



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “ 8 ” апрел

К-515 -son

Qumqo‘rg‘on t.

Тумандаги “QOXXOR CHORIYEV” номли кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 1 апрелдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 1 апрелдаги 8-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган А.Абдухалилов бошлиқ “QOXXOR CHORIYEV” номли кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Қумқўрғон” массиви “Боботоғ” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасида 525, 528қ, 529-дала контурлардан жойлашган жами 5,09 гектар, шундан 3,41 гектар суғориладиган экин ер майдони, 1,34 гектар яйлов ер майдони, 0,15 гектар ариқ, 0,16 гектар йўл, 0,03 гектар қурилиш тагидаги ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Ш.Бўтаевга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хошишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



ЖУМКУРЗОН ТУМАНХОКИМИ
Д.Б. ТАЙПАРОВГО
Термиз шаҳор "Тулпарано"
м.р.и Орубороеи Абдуқолиев
Абдуқохор Тоқонидан

Ариза

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақидаким. Жумқурзон
Тумани, Жумқурзон ҳудудидоғи Туман ҳоқимлиги
Зохирасида турга ер майдони кўп тармоқли, ОР/Х
қилишига ер майдони амрабоб беришда яқиний
ёрдам беришигизни сўраймиз

Д.Б.

А. Абдуқолиев
99-425-07-57

ALAR SONI	1
SH No	663/01-41
QILINISH TARIXI	16.03.21

UMMOQ RO'Q ON TUMAN
ER RESURSLARI VA
DAVLAT
DASTRI BO'YIM
QILINISH TARIXI
23.03.21

**Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi**

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



**Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши**

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил « 18 » март

Қумқўрғон тумани

№ 208

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Термез шаҳар “Гулираъно” маҳалласида яшовчи фуқара Абдухалилов Абдуқаҳҳорга кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги - “фермер хўжалиklarини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги 362-сонли қарорига кўра, фуқара Абдухалилов Абдуқаҳҳорга фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Талабгорнинг иш стажы қишлоқ хўжалигида иш стажы мавжуд эмас, Қишлоқ хўжалигида тажрибасы бор.
2. Маълумоти ўрта
3. Талабгорнинг 4 бош қорамол, 10 бош қўйи мавжуд.
4. Талабгорнинг техникаси мавжуд эмас.
5. Талабгорнинг 5 та ишчи кучи мавжуд.
6. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режасы мавжуд.
7. Талабгорнинг томорқасы мавжуд эмас.

Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Термез шаҳар “Гулираъно” маҳалласида яшовчи Абдухалилов Абдуқаҳҳорга Қумқўрғон худудидан кўп тармоқли фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси” га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:**

663/01-41
16.02.2021 й

А.Самадов